

Адабиёт ва санъатга улкан мухаббат халкимиз конида, зехниятида азалдан устувордир. Ривоят киладиларки, Алишер Навоий яшаган замонда Хирот шаҳри бозорларида савдолашиш ҳам вазну кофия билан шеърий йўлда килинар экан. Балки бу муболагадир, лекин хазрат Навоий "Мажолисун нафоис"да беш юздан ортик замондош шоирлар ижодини тадқиқ қилганлари аниқдир. Ўша даврдан буён тупрогимизда кўп салтанатлар, тузумлар ўзгарди. Лекин халқ калбида шеъриятга меҳр ўзгармади. Хали ҳамон ўзбекнинг эътиборида назм кадри улуг. Албатта, агар бу назм, чинакам санъат бўлса, юксак дид талаби даражасида бўлса, содда килиб айтганда яхши шеър бўлса. Лекин қайси шеър яхши-ю, қайси шеър ёмон? Уларни қандай фарқ қилиш керак? Бирор ўлчов, тошу тарозу ёки қолип борми? Афсуски, йўқ. Ёлғиз ўлчов — шерхон юрагидир. Унга шеър ё макбул бўлади, ёдида қолади, ё бўлмаса ёкмайди, унутади. Шеърнинг аслик даражасини ҳеч бир олим, мунаққид, шеършунос белгилаб беролмаган. Ҳеч бир шоир ҳам, у канчалик истеъдод соҳиби бўлмасин, бу ишга кодир эмас. Негаки, истеъдоднинг ўзи қолипга сигмайдиган, турли-туман табиатли ва ақл билан англаш қийин бўлган сир. Шунинг учун ҳам талай шоирларнинг шеърият ҳақида ёзганлари ёлғиз ўз замонлари, ўз дунёқараш ва услублари учун хос бўлиб, ҳамма даврлар, ҳамма ижодий йўналишлар учун қонун-қоида бўлгулик шеърият қўлланмаси ёзилмаган ва ёзилмас ҳам. Бундай қўллайма ёзиш мумкин бўлса, шеърият бу қадар сирли ва сехрли қудрат бўлмас эди.

Бу-ку тан олинган фикр, юксак шеъриятга, бадииятнинг олий мактабига таалукли ҳақиқат. Лекин назмнинг бошланғич мактаби борки, адабиёт даргоҳига эндигина қадам қўйган хаваскор бадиий ижодиётнинг ибтидоий талабларини билиб қўйса ёмон бўлмайди.

Хали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимизда, илк машқларимиз мактаб деворий газетасида қўринабошлаган пайтларда, ижодий қисмат бизни аввал устоз Гайратий тўғарагига, сўнг ёзувчилар уюшмасидаги Миртемир домла семинарларига олиб келди. Бу тўғарак ва семинарлар мен ва мен катори хаваскор шоирларга дастлабки ижодий мактаб бўлди ва бу мактабда биз бадииятнинг ибтидосини ўргандик.

Мен бугун анчагина ҳаёт йўлини босиб ўтган, талайгина китоблар ёзган, зиммасига устозлик қилиш уҳдаси ҳам ортилган бир инсон сифатида ўша устозларга таъзим қиламан ва афсус, ўқинч билан Абдулла Каххор ва Зулфия, Шайхзода ва Миртемир, Гайратий ва Қуддус Муҳаммадий каби ўз умрининг катта қисмини ижодкор ёшлар тарбиясига бағишлаган улкан даргаларнинг кадри ўтаётганини ўйлайман.

Шаҳар бедарбоза бўлмас. Шеърият остонасига ҳам посбонлар керак. Бугун газета ва журналларни варақлаб, радио ва телевидение орқали эшиттирилади шеърларга қараб, айниқса, шеърий тўплам сифатида нашр қилинаётган хом-хатала мисралар йигиндиси бўлган китобларни қўриб, гоҳи дунёга шоир бўлиб келганингга пушаймон бўласан.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Бугунги эркинлик шароитида, маблағ топган одам ўз шеърларини китоб қилиб нашр этиши ва истаган нусхада тарқатиши мумкин.

Цензура бекор бўлган. Ёвузликни, фахшни таргиб килмаган хар кандай асар тўсикка учраши мумкин эмас. Бадиий савия тўғрисида, ижодкор истеъдоди, ўқувчи диди тўғрисида бирор конунда, бирор сўз йўк. Бу ёғи муаллиф ва ноширнинг инсофига, савиясига боғлиқ. Бир караганда, камоли хуррият бўлиб кўринган бу холат адабиёт ривожини, маданият тараккиёти учун, умуман миллатнинг фикрати, аклий ва хиссий камолоти учун зарардан бошқа нарса эмас.

Бугун шеърият химояга мухтож бўлиб колди. Навоий, Фузулий, Огахий экиб парвариш килган гулзорни чирмовик ва янток босмаслиги керак. Ёлгиз истеъдод эгаси бўлган ижодкорлар эмас, балки ўзини миллат фарзанди деб хисоблаган хар бир зиёли бу ишга масъул ва факатгина биргаликда курашиб, улкан сафарбарлик билан бу чаманни печаклардан тозалаш мумкин бўлади.

Бу савобли ишдир, лекин айтишга осону амалиёти мушкул.

Гул ёнида ўсган печакдир,  
Ўз кўнглида у ҳам чечакдир.

Адабиётга кадам кўйган хар бир инсонда ички шавк, хаяжон кучли бўлади ва ўз ёзганлари кўзига чиройли ва бебаҳо кўринади. Тажрибали шоирлар одатда коғозга янги тушган шеърни дархол элга такдим этмай, жавонда саклайди. Хаваскор шоир эса, тезроқ ўз ижод намунасини халойикка кўрсатгиси келади. Бу холатни хаммамиз бошдан ўтказганмиз ва уни айб санаш керак эмас. Лекин узок вақт, баъзан умр бўйи шу холатда қолиш, ўзига махлиё бўлиб, бошқа шоирларни ўқимаслик, ўз ижодини равшан ақл билан таҳлил килмаслик, сатрлар устида ўқусиз кечаларни ўтказиб, ўз қобилиятини меҳнат билан қамолга етказмаслик айбгина эмас, улкан гуноҳдир.

Бизни бундай ўзига махлиёлик холатидан чиқаришда устозларнинг хизмати катта бўлган. Устоз кўрмаган шогирд хар мақомга йўргалар, деган мақол шеъриятга ҳам тўла-тўқис таалуклидир.

Хар бир касб эгаси, ёши бир жойга етгач, ўз хаёт тажрибаларини янги авлодга қолдиришни фарз билади. Менинг ҳам шеъриятда босиб ўтган йўлим осон ва текис бўлган эмас. Менинг ҳам ёшларга айтадиган, айниқса, ижодкор ёшларни огоҳ қиладиган гапларим кўп. Истагим, мен йўл кўйган хатоларга улар йўл кўймасинлар, мен узок вақт давомида босиб ўтган улгайиш босқичларидан улар тезроқ ўтсинлар, мен қийналиб қашф этган ҳақиқатларга улар осонроқ етиб келсинлар. Шу мақсадда, ўзим англаган ва ўзим ҳали англаб етмаган шеърият сирлари тўғрисида сизлар билан суҳбат қилишни истадим. Ўтган асрда биз яшаган муҳит бизни асл қадриятларимиздан, хусусан, мумтоз адабиётимиздан узоклаштирди. Халқимиз миллат ифтихори бўлган шоирларнинг шеърларини тушунмаслик даражасига келди. Ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг замонда бу иш улкан ҳаракатга айланмоғи учун барча зиёлиларнинг жонқуярлиги даркордир. Шу юртнинг бир фуқароси сифатида ушбу вазифа менинг ҳам зиммамдандир. Менинг айтганларим ва айтадиганларимни зинҳор ўқитиш, ўргатиш деб эмас, шоирнинг ўз қалби билан суҳбати деб тушуниш.

Сиз юксак тог устига чикиб мовий кенгликларга караганмисиз? Кифтингизда канот, калбингизда парвоз шавкини сезганмисиз? Куйида турмуш ташвишлари билан юрган одамларнинг бўйлари ҳам, ўйлари ҳам жуда ушок бўлиб кўринганми? Ўзингизни ўткинчи ва майда хою-хаваслардан юксакда, бамисоли арши аълода, Парвардигор хузурида тургандай хис килганмисиз? Бундай холатни бошдан кечирган бўлсангиз, демак, сиз шеъриятдан вокифсиз.

Барча санъат турлари каби шеърият ҳам инсон калбига, рухиятига гизо беради, унга канот бўлиб, юксакка кўтаради. Соз ва оханглар, мўйкалам ва ранглар каби калам ва сўз ҳам туйгуларимиз тарбиячиси, бизларни камолот сари етакловчи улкан кудратдир.

Инсоннинг инсондан, сўзнинг сўздан фарқи бор. Олим сўзи онг ва фикратга, шоир сўзи калб ва хиссиётга каратилган бўлади. Шунинг учун ҳам барча оқил сўз шеър бўлмагандек, барча шеърий сўз хикмат бўлавермайди. Оддий хаётий мантикдан фаркли ўларок, шеърнинг ўз мантиги бор. Шеърият даргохига кадам кўйган хар бир хаваскор ўзига савол бериб бадий тафаккурга мойиллигини аниқлаб олгани маъкул. Бу хусусиятни халкимизда “таъби назм” дейилади.

Бахор келганда, узок киш бўйи ёпик турган деразалар очилади. Шу деразалардан уйга тоза бахор хавоси киришини англаган инсон — оқил одам, тоза хавою куёш нурларининг зах тортган уйларга хаётбахш таъсирини тахлил кила олган инсон — олим одам. Лекин очик деразаларда бахорни согинган кишининг кучокларини кўрган инсон — шоир одам.

Таъби назм шеър битмок учунгина эмас, шеър ўкимок, шеърни англамок учун ҳам керак. Табиатида завк-шавк бўлмаган инсонга санъатни хис этиш кийин. Улуг олим, улкан давлат арбоби, нодир касб эгаси бўлиш мумкин. Лекин шеър завки, Фузулий таъбири билан айтганда “мазоки шеър” — тамоман бошка нарса.

Мазоки шеър ҳам бир ўзга оламдир хакикатда,  
Икки олам муяссар ўлдиги гоятда мушкулдир.

Ануширвони одил бир кун мамлакат шоирларини бир ерга тўплаб, айтибди: “Эй шоирлар, мендек одил шох замонида, ростгўйлик устувор бўлиб, ёлгонга жой колмаган бир даврда, сизлар нега уйдирма, хакикатдан узок сўзларни шеър килиб ёзасизлар? Кайси мантикка тўгри келадик, ёрнинг кипригидан ўк отилсину ошикнинг юрагини яраласин? Май кўзгусида жaxon кўринадимиз? Ёлгон гапларни кўйиб, бугундан эътиборан рост сўзларни ёзинг, токи, шеърингизга одам ишонсин.

Орадан бир муддат ўтиб шох яна шоирларни чакирибди ва энг машхур шоирдан шеър ўқишни сўрабди. Машхур шоир бир шеър ўқибдики, унинг мазмуни шундай экан:

Машхадда эрталаб тонг отиши рост,  
Халафда кечкурун кун ботиши рост.  
Адан бозорида дон сотиши рост,  
Дамашкка халк тунда данг котиши рост.

"Мана, подшохи олам, сизга рост шеър", дебди шоир. Ануширвони одил шунда ўз хатосини англаб, эй шоирлар, бундан буён сизнинг ишингизга аралашмайман. Агар рост шеър шунака бўлса, зинхор рост ёзманглар, ўзингиз билган ёлгонни ёзаверинглар".

Шу воқеа боис элда: "Шоир сўзи ёлгондир", деган мақол ишлатилади. Бу мақолни Фузулий машхур байтида гўзал тарзда истифода этган:

Гар деса, Фузулий гўзалларда вафо бор,  
Алданманки, шоир сўзи, албатта, ёлгондир.

Бу мақол ва бу байтнинг магзини чакиб зинхор — базинхор шоирлар ёлгончи бўлар экан, дея хулосага келманг, азиз ўқувчим. Шоир "ёлғони" — унинг бадий тафаккури меваси, истеъдод нишонаси, худодод хислат кароматидир. Шоир "ёлғони" чинлардан чинрок хакикатдир. "Тановар"га кулок тутинг.

Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан,  
Чанги чикса сув сепай кўзлардаги ёшим билан.

Аслида, кўча соч билан супурилмайди, кўз ёш билан сув сепилмайди. Хаётий мантиқдан йирик, лекин бадий мантикка мувофик айтилган бу ёник сўзлар меҳру мухаббат хақида, согинч хақида битилган минглаб тўғри, чин сўзлардан хакконийрокдир... Шу хусусият билан шеър юракларни забт этади, рухиятни юксакларга кўтаради.

Аслида, мен айтган сўзлар барчага аён хакикатдек туюлади. Лекин, баъзан адабиёт даргоҳига кадам кўйганлар ушбу хакикатни унутадилар ва жўн сўзлар тизмасини шеър деб эълон киладилар. Ёшларни кўятулинг, грхо тажрибали шоирлар ижодида ҳам бу холни учратамиз. "Буларнинг нимаси шеър?", деб сўрасангиз, "Менинг услубим шунака", дея жавоб киладилар.

Олтмишинчи йиллар бошида ёзувчилар уюшмасида бўлган бир йигинда баъзи ёш шоирларнинг "ёт буржуа гоёларига" берилиб қолаётганлари, гоҳ шеърий образлар остига яшириб бундай гоёларни адабиётга олиб кираётганлари танкид килинди. Ўша вақтда, Москвада танкид остига олинган Андрей Вознесенский, Евгений Евтушенко сингари шоирларни ўзимизда ҳам топиш ва дўппослаш керак бўлиб қолганди. Шу мажлисда таникли бир шоир минбарга чикиб шундай сўзларни айтган эди: "Биз ҳеч қанака образ — мобраз деган гапларни билмаймиз. Биз комсомол шоирларимиз ва фақат тўғрисини ёзамиз".

Дархакикат, ўша замон ҳукмрон мафқураси учун "образ — мобраз"нинг кераги йўқ ва шу мафқурага хизмат қилувчи тўғри сўзлар керак эди. Бу "тўғри сўзлар"нинг шеъриятга қанчалик алоқаси борлиги билан ҳеч қимнинг иши йўқ эди.

Ҳеч бир инсонга ва ҳеч бир халққа муте бўлиб яшашни, ҳеч бир халқнинг адабиётига ўзгаларнинг ҳукмрон гоёсига хизмат қилмоқни кўрсатмасин. Биз шундай замонларни бошдан кечирдик ва бу кўргиликни қайтиб ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам тиламаймиз...

Эркин Вохидов,  
Ўзбекистон Кахрамони, халк шоири